



Буюк ўзбек олими Абу Райхон Беруний (973—1048) ўз даври тақозосига кўра асарларини араб тилида битган. Берунийнинг биринчи йирик асари «Қадимги халқлардан қолган ёдгориликлар» китобидир. Асарнинг арабча номи «Ал-осор ал-бокия ан-қурун ал-ҳолия» бўлиб, Европада «Хронология», ўзбек шарқшунослигида «Осор ал-бокия» номи билан машҳурдир. Беруний «Осор ал-бокия»ни муҳожирлик даврида ёза бошлаган ва милодий 1000 йили ёзиб тавомлаган. Бу асар қатта шухрат қозониб, Беруний 27 ёшидаёқ йирик олим сифатида эътироф этилди. «Осор ал-бокия»нинг «Пайгамбарлик даъво қилган кишилар ва уларнинг алданган умматлари — уларга оламлар эгасининг лаънати бўлсин — тарихлари устида сўз» бобида исломдан олдинги замонлар ва ислом даврида пайгамбарлик ёки ҳудудлик даъво қилган кишилар ҳақида маълумот берилган. Асарнинг Муканнага бағишланган қисми қисқача. Чунки Беруний Муканна ва унинг тарафдорлари ҳақидаги батафсил маълумотларни бундан олдин ёзилган «Оқ қийимлилар ва қарматийлар ҳақида хабарлар» китобида баён этганини таъкидлайди. Афсуски, бу асар бизгача етиб келмаган.

Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгориликлар» асари арабшунос олим Абдуфаттоҳ Расулов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1968 йилда Тошкентда «Фан» нашриётида чоп этилган. Қуйида келтирилган парча маъқур нашрдан олинди.

Абу Райхон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгориликлар»дан

Пайгамбарлик даъво қилган кишилар ва уларнинг алданган умматлари — уларга оламлар эгасининг лаънати бўлсин — тарихлари устида сўз

... Ундан кейин Муканна номи билан машҳур бўлган Ҳошим ибн Ҳаким Марвда Қовақимардон номли қишлоқда юзага келди. У бир қўзли бўлганидан юзига қўқ шойидан никоб тутган эди. Муканна ўзининг ҳудуд эканини даъво қилди ва жасадга қирганини, чунки жасадга қирмасдан олдин биров унга қарай олмаганини айтди. У Амударё орқали Қеш ва Насаф томонларига ўтди. Ҳоконга хат ёзиб, ундан ёрдам сўради, оқ қийимлилар ва турклар унинг атрофига йиғилдилар, Муканна уларга (бошқаларнинг) моллари ва хотинларини ҳалол қилди, қаршилиқ қўрсатганларни ўлдирди ва Маздакнинг барча

(йўл-йўригини) уларга конун килиб берди, ал-Махдий қўшинини синдирди ва ўн тўрт йил хукмронлик килди. Нихоят у хижрий бир юз олтмиш тўккизинчи йили камал килинди ва ўлдирилди.

Муканна ўраб олингач, жасади йўк бўлиб кетиши ва тобелари унинг (юкоридаги) гапига ишонишлари учун ўзини оловга ташлаган эди. Унинг куяману йўк бўлиб кетаман (деган) мўлжали муяссар бўлмади, балки (унинг жасади) танурдан топилди. Унинг калласи олиниб, ўша кунларда Халабда бўлган амир ал-мўъминин ал-Махдийга юборилди.

Муканнанинг Мовароуннахрдаги тобелари кўринишда ислом динида бўлсалар ҳам, аммо яширин равишда унинг динига амал киладилар. Унинг хакидаги хабарларни форсчадан арабчага таржима килдим ва уларни «Ок кийимлилар ва карматийлар хакида хабарлар» (номли) китобимда тўла баён этдим.

"Муканна" китобидан